# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

техназорат» давлат инспекциясига пиротехника воситалари айланиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашни жорий этишга доир таклифлар киритиш, бунда лицензия талабгорларига ва лицензиатларга қўйиладиган аниқ лицензия талаблари ва шартларини назарда тутиш, «Ўзстандарт» агентлигига эса пиротехника воситаларини ишлаб чиқиш, сертификатлаш, сотиш ва улардан фойдаланишда мажбурий бўлган хавфсизликнинг умумий талабларини белгилайдиган давлат стандартини тасдиқлаш, шунингдек уларни хавфлилик даражаси бўйича таснифлаш топширилди. Шунингдек Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва Адлия вазирлигига пиротехника воситаларини ташиш, сақлаш ва уларни утиллаштириш қоидаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш топширилди.

## ҚЎҚОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ МАЪҚУЛЛАНДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 310-сон қарори билан 2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури маъқулланди.** Дастур 2010 – 2012 йилларда Қўқон шаҳри корхоналарини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришнинг аниқ дастури; шаҳар саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш дастури; истиқболсиз саноат корхоналарини янги мулкдорларга жадал сотиш тадбирларини ўз ичига олади.

Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш давлат қўмитасига бир ҳафта муддатда ҳужжатга 3-иловага киритилган иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан белгиланган тартибда банкротлик тартиботини қўллаш ташаббуси топширилди. Истисно тариқасида, ушбу корхоналар банкрот деб эълон қилингандан кейин уларни мулкий комплекслар шаклида тижорат банклари ва инвесторларга сотиш, ишлаб чиқариш тиклангандан ҳамда корхоналар янги мулкдорларга сотилгандан кейин, кейинчалик қарзларни кредиторларга қайтарган ҳолда, савдо ўтказилмасдан инвестиция мажбурияти остида бепул бериш шартларида амалга оширилиши; инвентаризация, мол-мулк қийматини баҳолаш ҳамда банкрот корхоналарнинг мол-мулкини сотиб олувчи тижорат банклари ва инвесторлар билан шартномалар тузиш тугатиш иши бошланган пайтдан бошлаб уч ҳафта мобайнида амалга оширилиши белгиланган.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 311-сон қарори билан 2010 – 2012 йилларда Қўқон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланган бўлиб, у қуйидагиларни: шаҳарда саноат ишлаб чиқариши, хизматлар ва сервис соҳасида янги кичик бизнес корхоналари ташкил этиш параметрларини; хизматлар ва сервис соҳасида кичик бизнесни, шунингдек бандлик йўналишлари бўйича касаначиликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш параметрларини ўз ичига олади.

## СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги «Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида» 312-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* билан белгиланишича, ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда улар Президент қарорларига мувофиқ қайта кўриб чиқилади. Юқорида кўрсатилган вазирликларга бир ой муддатда ушбу миқдорларни тасдиқлаш топширилди.

## ЯПОНИЯГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 313-сон қарори билан Нагоя университети (Япония)нинг техник ҳамкорлик бўйича хорижий давлатнинг ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси сифатида Тошкент шаҳрида ваколатхонаси очилиши келишилди.** Япония ҳукуматининг давлат грантлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини, олий ўқув юртлари талабалари ва битирувчиларини Япония олий ўқув юртларида ўқиш учун танлаш, йўллаш ва ўқишни ташкил этиш Ваколатхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

## ДАСТУРГА ТУЗАТИШ КИРИТИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 декабрдаги 314-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритилди.** Дастурнинг 2-иловасига бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг янги лойиҳалари киритилди. Ундан корхоналарнинг тугатилганлиги, ички бозорда эҳтиёжнинг йўқлиги, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархи ва сифати бўйича рақобатга бардошли эмаслиги сабабли баъзи лойиҳалар чиқариб ташланди.

Белгиланишича, ушбу қарор билан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширувчи корхоналарга Президентнинг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзлар божхона тўловлари бўйича – ушбу қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, солиқлар бўйича эса – 2009 йил 1 декабрдан бошлаб қўлланади.

## ҚАРЗЛАР ТАРКИБИЙ ЖИҲАТДАН ЎЗГАРТИРИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 декабрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигини янада оширишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 316-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* билан бир қатор вазирликлар ва идораларнинг 2009 йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» АКнинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг солиқлар бўйича қарзларининг тегишли суммаларини; «Ўзагромашсервис» уюшмаси корхоналарининг Молия вазирлиги томонидан ажратилган 24,9 млрд сўм миқдоридаги кредитлар бўйича қарзларини айни бир вақтда ҳисоблаб ёзилган пеня бўйича қарзни ҳисобдан чиқарган ҳолда, таркибий ўзгартириш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

«Ўзагромашсервис» уюшмасининг акциядорлик жамиятлари учун 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ҳисоблаб ёзилган солиқлар бўйича қарзлари суммасини тўлаш муддати 2012 йил 1 январгача узайтирилди. Ҳужжатда шунингдек бошқа қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланган.

## АВТОНИ ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

**Ички ишлар вазирининг буйруғи билан Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди *(АВ томонидан 2009 йил 30 ноябрда 2050-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

**2009 йил 10 декабрдан кучга кирди.**

## ГАЗ ОЛИБ ЧИҚИЛИШИ УЧУН ҚОИДАЛАР

**Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қарори билан 2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидалари тасдиқланди *(АВ томонидан 2009 йил 14 декабрда 2053-сон билан рўйхатдан ўтказилган).***

Мазкур Қоидалар юқорида кўрсатилган Маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида товарларни олиб кириш ва тасарруф этиш, табиий газни олиб чиқиш, сармоядор, оператор, агент ва пудратчиларнинг мажбуриятларини тартибга солади.

**2009 йил 24 декабрдан кучга кирди.**

## АДВОКАТ ҲИСОБОТ ТОПШИРГАНДА

**Адлия вазирининг буйруғи** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шакллари тасдиқланди *(АВ томонидан 2009 йил 15 декабрда 2054-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*** Статистик маълумотлар шакллари, 9 ва 10-шакллардан ташқари, адвокатлардан олинган маълумотлар асосида тўлдирилади ва ҳар олти ойда Ўзбекистон Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаларига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5 кунига қадар қоғоз ҳамда электрон шаклларда тақдим қилинади (ярим йиллик ва йиллик). Уларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгарлик адвокатлик тузилмасининг раҳбари ва тегишли адвокатга юкланади.

**2009 йил 25 декабрдан кучга кирди.**

## РЕПОНИ ДАВЛАТ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг буйруғи билан қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритилди *(АВ томонидан 2009 йил 15 декабрда 1396-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*** Уларга мувофиқ, репо битишуви бўйича акцептант сифатида иштирок этаётган, устав фондида давлат улуши бўлган юридик шахс у бўйича мукофот ставкасини Марказий банкнинг битишув тузилган санада ҳисоблаб чиқарилган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаши шарт. Ҳужжатда шунингдек репо ташаббускори томонидан устав фондида давлат улуши бўлган юридик шахс репо акцептанти сифатида чиқадиган репо битишувининг иккинчи босқичи амалга оширилмаган тақдирда унга репо келишувида белгиланган миқдорда жарима солиниши ҳам назарда тутилган.

**2009 йил 25 декабрдан кучга кирди.**

## ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ СТАТИСТИК ШАКЛЛАР

**Давлат статистика қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2009 йил 17 декабрда 2055-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** *(Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан 2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқланган** бўлиб, йиллик ҳисобот шакллари – 2009 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари – 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилади.

Ҳужжат билан 2010 йил 1 январдан бошлаб Давлат статистика қўмитасининг «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1880, 2008 йил 13 декабрь) ўз кучини йўқотди.

**2009 йил 27 декабрдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 5 декабрдан 18 декабргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 50-51-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 22 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1340,42 | 1 Малайзия ринггити | 439,97 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2438,80 | 1 Польша злотийси | 517,06 |
| 1 Дания кронаси | 291,35 | 1 СДР | 2373,97 |
| 1 БАА дирҳами | 411,34 | 1 Туркия лираси | 995,94 |
| 1 АҚШ доллари | 1510,84 | 1 Швейцария франки | 1450,22 |
| 1 Миср фунти | 274,85 | 1 ЕВРО | 2191,80 |
| 1 Исландия кронаси | 11,87 | 10 Жанубий Корея вони | 12,83 |
| 1 Канада доллари | 1416,77 | 10 Япония иенаси | 167,31 |
| 1 Хитой юани | 221,31 | 1 Россия рубли | 49,18 |
| | | 1 Украина гривнаси | 189,57 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*


УШБУ СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *1-2-бетлар*

• ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
**Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:**
– «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;
– «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**
– «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (кўчирма).
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
– «Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида»;
– «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида».
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 14 ноябрдан 18 декабргача бўлган маълумот.** *3-12-бетлар*

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
– Биз сақлайдиган сирлар *13-бет*
• *top* 4-16-бетлар

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНЛАРИ:**

– «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

– «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» (кўчирма).

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида»;

– «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида».

- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 14 НОЯБРДАН 18 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 50-51-сон, 529-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 9, 193-модда, N 12, 269-модда; 1996 йил, N 5-6, 69-модда, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 4-5, 126-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 3, 38-модда, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда, N 7-8, 217-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, N 1, 20-модда, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 5, 67-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 5, 90-модда, N 9, 171-модда; 2005 йил, N 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 312-модда, N 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 9, 498-модда, N 10, 536-модда, N 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, N 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, N 9, 416, 421-моддалар, N 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, N 4, 181, 189, 192-моддалар, N 9, 486, 488-моддалар, N 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, N 1, 1-модда, N 9, 334, 335, 337-моддалар, N 10, 380-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги 204-1-модда билан тўлдирилсин:

**«204-1-модда. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик**

Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик -

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келса, шунингдек атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки улар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этиш - мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 245-модданинг **биринчи қисми** «204» рақамидан кейин «204-1» рақами билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **249-1-модда** билан тўлдирилсин:

**«249-1-модда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари**

Ушбу Кодекснинг 204-1-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 15 декабрь*
*ЎРҚ-230-сон.*

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 16 декабрдаги 242 (4905)-сонида эълон қилинган.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

# «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган.***
***Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган.***
*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 50-51-сон, 531-модда.)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги** ЎРҚ-163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, N 7, 354-модда; 2009 йил, N 9, 330-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модданинг ўн тўртинчи хатбошиси «очиқ акциядорлик жамиятлари» деган сўзлардан кейин «ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилган тижорат банклари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 4-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Облигациялар юридик ва (ёки) жисмоний шахслар учун чиқарилади»;

3) 49-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозорида қуйидагилар тақиқланади:

эмитентга ёки қимматли қоғозларга тааллуқли ахборотни ошкор қилмасдан қимматли қоғозларни эмиссия қилиш;

чиқарилиши ушбу қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ёки тўхтатиб қўйилган қимматли қоғозларни жойлаштириш, уларнинг муомаласи, уларни реклама қилиш ва таклиф этиш;

қимматли қоғозлар эгасининг ўз депо ҳисобварағида бўлган қимматли қоғозларнинг қиймати тўлиқ тўлангунига қадар уларга доир битимлар тузиши;

қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найранг ишлатиш;

устав фонди шакллантирилгунига қадар (тижорат банкларининг устав фондини шакллантириш ҳоллари бундан мустасно), шунингдек уни тўлдириш ёки эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш учун корпоратив облигациялар чиқариш;

облигацияларнинг чиқарилиши рўйхатдан ўтказилганидан кейин облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг шу қарор билан белгиланган облигацияларга доир ҳуқуқлар ҳажмига тааллуқли қисмига эмитент томонидан ўзгартишлар киритиш;

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг мажбуриятлари бўйича мижознинг қимматли қоғозлари ва пул маблағларини ундириш;

эмиссиявий қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришда ва (ёки) уларнинг муомаласида бир инвесторга бошқасига нисбатан афзаллик белгилаш, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

а) давлат қимматли қоғозларини эмиссия қилиш;

б) акциядорлик жамиятининг акциядорларига ўзларига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда қимматли қоғозларни олишда белгиланган тартибда имтиёзли ҳуқуқ бериш;

в) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан қимматли қоғозларни олишга қонун хужжатлари билан чекловлар жорий этиш.

Корпоратив облигацияларни фақат тижорат банклари, шунингдек қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда очиқ акциядорлик жамиятлари:

аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса;

инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифасини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқариши мумкин.

Корпоратив облигациялар уларнинг эгаларига очиқ акциядорлик жамиятини ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилган тижорат банкини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини бермайди.

Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкини назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир неча битим натижасида банк акцияларининг 5 фоиздан ортиғини олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабардор қилинишини, 20 фоиздан ортиғини олиш эса, олдиндан унинг розилигини олишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан розилигини олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Эмитент ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайта сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга топширишга ҳақли эмас».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
**И.КАРИМОВ.**

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 15 декабрь*
*ЎРҚ-232-сон.*

***Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2009 йил 16 декабрдаги 242 (4905)-сонида эълон қилинган.***

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2010 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

**(Кўчирма)**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига иловалар таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилди.***



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ № 52 (233) • 2009 йил 28 декабрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига*
*7-ИЛОВА*

## ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

| N | Тўловчилар | Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да |
|---|---|---|
| 1. | Юридик шахслар (2-3-бандларда назарда тутилганларидан ташқари) | 9 |
| 2. | Тижорат банклари | 15 |
| 3. | Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар | 35 |
| 4. | Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотларидан ташқари) экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун: | |
| | сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача | белгиланган ставка 30%га пасайтирилади |
| | сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори | белгиланган ставка 50%га пасайтирилади |
| 5. | 1-бандда кўрсатилган хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича | белгиланган ставка 10%га пасайтирилади |

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг*
*2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига*
*8-ИЛОВА*

## ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

| Солиқ солинадиган даромад | Солиқ ставкаси |
|---|---|
| энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда | даромад суммасининг 11 фоизи |
| энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда | олти баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 17 фоиз |
| энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда | ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз |

***Изоҳ:***

*1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақининг жами суммаси).*

*2. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига*
*9-1-ИЛОВА*

## МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН (САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИДАН ТАШҚАРИ) ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ СТАВКАЛАРИ

| N | Тўловчилар | Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да |
|---|---|---|
| 1. | Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-6-бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари | 7* |
| 2. | Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар | 5 |
| 3. | Қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий фаолияти бўйича, ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно | 6 |
| 4. | Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар | 30 |

| N | Тўловчилар | Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да |
|---|---|---|
| 5. | Тайёрлов ва таъминот-сотиш ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар | 33** |
| 6. | Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар | 13** |
| 7. | Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотлари бундан мустасно: | |
| | сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача | белгиланган ставка 30%га пасайтирилади |
| | сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан ортиқ фоиз | белгиланган ставка 50%га пасайтирилади |
| 9. | Хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича | белгиланган ставка 10%га пасайтирилади |

**Мол-мулкини молиявий ижара (лизинг)га бераётган корхоналар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.*

***Ҳақ суммасига (ялпи даромадга) нисбатан фоизларда.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига*
*9-2-ИЛОВА*

## САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИНГ СТАВКАЛАРИ

| N | Тўловчилар | Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да |
|---|---|---|
| 1. | Умумий овқатланиш корхоналари | 10 |
| | улардан: | |
| | умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари | 8 |
| 2. | Чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари), қуйидаги жойларда жойлашган:* | |
| | аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда | 4 |
| | бошқа аҳоли пунктларида | 2 |
| | бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда | 1 |
| 3. | Улгуржи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари) | 5 |
| 4. | Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари, қуйидаги жойларда жойлашган: | |
| | аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда | 3 |
| | бошқа аҳоли пунктларида | 2 |
| | бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда | 1 |
| 5. | 1, 2 ва 4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун (улгуржи дорихона ташкилотларидан ташқари), пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда сотилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми бўйича | белгиланган ставка 10%га пасайтирилади |

**Агар чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли аҳоли пунктларида жойлашган бир нечта савдо нуқталарига эга бўлса, улар бўйича ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган тақдирда, улар ҳар бир савдо нуқтаси бўйича товар айланмасининг алоҳида ҳисобини юритишлари ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари лозим.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига*
*9-3-ИЛОВА*

## АЙРИМ ТОИФАДАГИ КОРХОНАЛАР УЧУН ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ СТАВКАЛАРИ

| N | Тўловчилар | Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да |
|---|---|---|
| 1. | Лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (мазкур фаолият тури доирасида) | 33 |
| 2. | Хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар | 50 |

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига*
*10-ИЛОВА*

## ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ АЙРИМ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИНАДИГАН ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

| N | Фаолият тури | Тўловчилар | Мазкур фаолият турини характерловчи физик кўрсаткичлар | Физик кўрсаткич бирлигига ҳар ойда қатъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам иш ҳақига бирлик учун каррали миқдорларда) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Тошкент шаҳри | вилоятлар-даги шаҳарлар | туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари |
| 1. | Автотранспорт воситаларини қисқа муддат сақлаш жойлари | юридик шахслар | Эгаллаган майдон (1 кв. метр) | 0,1 | 0,09 | 0,06 |
| 2. | Болалар ўйин автоматлари | юридик ва жисмоний шахслар | Жиҳозланган ўринлар сони (бирликда) | 3,0 | 2,0 | 1,0 |

***Изоҳ:***

*Тақдим этилган қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китобида ҳисобга олинмаган физик кўрсаткичлар аниқланган тақдирда бундай ҳолатларга солиқларни тўлашдан бўйин товлаш сифатида қаралади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2009 йил 22 декабрдаги*
*ПҚ-1245-сон қарорига*
*11-ИЛОВА*

## ЮРИДИК ШАХСНИ ТАШКИЛ ЭТМАСДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН (ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАР)ДАН ОЛИНАДИГАН ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ

| N | Фаолият тури | Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақига каррали миқдорларда) | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Тошкент шаҳри | вилоятлар-даги шаҳарлар | туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари |
| 1. | Чакана савдо: | | | |
| | озиқ-овқат товарлари билан | 9,0 | 6,0 | 3,0 |
| | деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан* | 5,0 | 4,0 | 2,0 |
| | ноозиқ-овқат товарлари билан | 10,0 | 6,5 | 3,0 |
| | озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан (турғун шохобчалардаги аралаш савдо) | 10,0 | 6,5 | 3,0 |
| 2. | Маиший хизматлар, 3-бандда кўрсатилганларидан ташқари | 5,5 | 2,0 | 1,0 |
| 3. | Сартарошлик хизматлари кўрсатиш, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар | 6,5 | 3,0 | 2,0 |
| 4. | Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш | 3,5 | 2,5 | 1,5 |
| 5. | Бошқа фаолият турлари, мол-мулкни ижарага беришдан ташқари | 5,0 | 3,0 | 2,0 |
| 6. | Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар: | | | |
| | 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 5,5 | 4,0 | 3,0 |
| | 8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 9,0 | 7,5 | 5,0 |
| | 8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 13,0 | 9,0 | 8,0 |

**Уй хўжалиги (шу жумладан, деҳқон хўжалиги)да парваришланган, ҳам тирик кўринишдаги, ҳам уларни сўйиб, хом ёки қайта ишланган кўринишдаги маҳсулотлар сифатида ҳайвонларни (чорва моллари, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқлар ва бошқалар), саноатда қайта ишлашдан ташқари, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган кўринишда (манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотларидан ташқари) сотиш бундан мустасно.*

*Солиқ солишдан озод этиш солиқ тўловчи томонидан давлат ҳокимиятининг жойлардаги тегишли органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, боғдорчилик-полизчилик ширкатлари бошқаруви томонидан берилган, сотилган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёхуд унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этиш шарти билан амалга оширилади.*

***Изоҳ:***

*1. Жисмоний шахс:*

*а) бир неча фаолият тури билан шуғуллантса, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида солиқ тўлайди;*

*б) тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналар ва бинода амалга оширса, яшаш жойидаги давлат солиқ*

хизмати органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этиши керак;

в) давлат рўйхатидан ўтказилмаган жойда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, солиқни рўйхатдан ўтказилган жойда ва фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жойда белгиланган ставкалар орасида энг юқори ставка бўйича рўйхатдан ўтказилган жойда тўлайди.

2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига 8-иловада белгиланган ставкалар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2009 йил 22 декабрдаги
ПҚ-1245-сон қарорига
12-1-ИЛОВА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН АКЦИЗЛИ ТОВАРЛАРГА НИСБАТАН АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

| Товарлар номи | Солиқ ставкаси | |
|---|---|---|
| | акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан фоизларда | бир ўлчов бирлигига сўмда |
| 1. Этил спирти (1 дал учун) | | 1 763 |
| 2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун)[1] | | 4 125 |
| 3. Коньяк, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун)[1] | | 15 538* |
| 4. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)[1] | | 1 875 |
| 5. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун)[1]: | | |
| озиқ-овқат ёғи (саломас ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ ва "Ўзбекистон" ёғидан ташқари) | | 544 500 |
| техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган) | | 361 900 |
| 6. Сигареталар (1 минг дона учун)[1]: | | |
| фильтрли | | 7 159 |
| фильтрсиз, папирослар | | 2 879 |
| 7. Заргарлик буюмлари | 25 | |
| 8. «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ ишлаб чиқарган автомобиллар[2] | 29 | |
| 9. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари | 11 | |
| 10. Қимматбаҳо металлар[2] | | |
| 11. Нефть маҳсулотлари[1]: | | |
| Аи-80 бензини | 40%, бироқ камида 221 000 сўм/тонна | |
| Аи-91, Аи-92, Аи-93 бензини | 40%, бироқ камида 243 000 сўм/тонна | |
| Аи-95 бензини | 40%, бироқ камида 281 000 сўм/тонна | |
| дизель ёқилғиси | 34%, бироқ камида 188 000 сўм/тонна | |
| авиакеросин | 9%, бироқ камида 38 000 сўм/тонна | |
| 12. Табиий газ (аҳолига сотиладиган табиий газ ҳажмларидан ташқари), шу жумладан экспорт[2] | 25 | |
| 13. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ ("Ўзтрансгаз" АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан экспорт[2] | 26 | |
| 14. Пахта толаси[3] | | |

*Ҳажмий улушда этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган коньяк, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотларга акциз солиғи ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 25 603 сўм миқдорида белгиланади.

**Изоҳ:**

1. Қатъий миқдорларда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газ, шунингдек қимматбаҳо металларга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

3. Пахта толаси реализациясининг ички нархи (реализация бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) ва ҳақиқий нархи ўртасидаги ижобий фарқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишувга биноан 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра юзага келган солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш жамғармасининг кредитлари бўйича қарзларни сўндириш учун пахта тозалаш корхоналарининг махсус ҳисобрақамида жамланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2009 йил 22 декабрдаги*
*ПҚ-1245-сон қарорига*
*12-2-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ОЛИБ КЕЛИНАДИГАН АКЦИЗЛИ ТОВАРЛАРГА АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

| *Товар гуруҳининг рақами* | *Товарларнинг номи* | *ТИФ ТН бўйича товар коди* | *Товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки АҚШ долларида, ўлчов бирлиги учун* |
|---|---|---|---|
| 02 | Қорамол гўшти | 0202 | 20 |
| | Уй паррандасининг гўшти ва озуқабоп маҳсулотлари | 0207 | 70 |
| 04 | Қуюлтирилган ёки шакар қўшилган ёки шакар қўшилмаган сут ва сливкалар… | 0402 91, 0402 99 | 20 |
| | Пахта, ёғи олинган сут ва сливкалар, йогурт, кефир | 0403 | 50 |
| | Пишлоқ ва творог | 0406 | 50 |
| | Паррандалар (наслдорларидан ташқари) тухуми | 0407 00 | 20 |
| | Табиий асал | 0409 00 000 0 | 10 |
| 08 | Янги узилган олма, нок ва беҳи | 0808 | 100 |
| 09 | Қовурилган ёки қовурилмаган, кофеинли ёки кофеинсиз кофе; кофе пўчоғи ва кофе уруғи қобиқлари; таркибида турли нисбатда кофе бўлган кофе ўрнини босувчилар | 0901 | 20 |
| 16 | Гўшт, балиқ ёки қисқичбақасимонлар, моллюскалар ёки бошқа сувда кўпаядиган умуртқасизлардан тайёрланган тайёр маҳсулотлар | 1601 00, 1602 (1602 10 001 0 дан ташқари), 1604, 1605 | 30 |
| | Осётр увилдириғи, увилдириқ ўрнини босувчилар | 1604 30 | 50 |
| 17 | Қаттиқ ҳолатдаги шакарқамиш ёки қанд лавлагидан тайёрланган шакар ва кимёвий тоза сахароза | 1701 91 000, 1701 99 | 10 |
| | Таркибида какао бўлмаган, шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари (шу жумладан оқ шоколад) | 1704 (1704 10 дан ташқари) | 30 |
| | Шакар қопланган ёки қопланмаган резинка сақич | 1704 10 | 70 |
| 18 | Таркибида какао бўлган шоколад ва бошқа тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари | 1806 20 - 1806 90 | 30 |
*2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига*
*24-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА ҲАМДА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ЖАМҒАРМАСИГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАРГА ТОРТИШ ОБЪЕКТЛАРИ

| *N* | *Тўловчилар* | *Ажратмаларга тортиш объекти* |
|---|---|---|
| 1. | Воситачилик (топшириқ) шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар | ҚҚС чегирилган ҳолда, воситачилик ҳақи суммаси |
| 2. | Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари | ҚҚС чегирилган ҳолда товар айланмаси ҳажми |
| 3. | «Ўздонмаҳсулот» АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва ғалла қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари) | ҚҚС чегирилган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирмаси |
| 4. | Кредит ва суғурта ташкилотлари | даромад |
| 5. | Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар | фоизли даромад |
| 6. | Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув таъминоти корхоналари | маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚСни ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сувнинг харид қийматини чегирган ҳолда |
| 7. | Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари | ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми |
| 8. | «Ўзбекэнерго» ДАК ва унинг корхоналари, шунингдек «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари | маҳсулот сотилиши ҳажми, электр энергияси ва табиий газ бўйича эса – пировард истеъмолчига сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда |
| 9. | Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари | маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда |

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги*
*ПҚ-1245-сон қарорига*
*25-ИЛОВА*

## ЯГОНА ИЖТИМОИЙ ТЎЛОВ СТАВКАСИ

| *Солиқ солинадиган база* | *Ставка фоизда* |
|---|---|
| Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди | 25* |

*Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ўртасида белгиланган тартибга мувофиқ қуйидаги миқдорларда тақсимланади:

| | |
|---|---|
| *бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси* | *24,8* |
| *Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси* | *0,1* |
| *Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши* | *0,1* |

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЎТКАЗГАНЛИК УЧУН МЕҲНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 50-51-сон, 540-модда)*

Халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши муносабати билан, шунингдек ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш масалаларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ қайта кўриб чиқилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини бир ой муддатда, белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида» 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбоши, шунингдек қарорга 3-илованинг 1-банди ва 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 11 декабрь.*
*312-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## 2009 ЙИЛДА САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ АСОСИДА ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ БУЮМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 50-51-сон, 542-модда)*

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш механизмини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 2 апрелдаги 94-сон қарорига мувофиқ ҳамда рақобатбардошли, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини, шу жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасида мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича махсус комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарори билан маъқулланган 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига (кейинги ўринларда Маҳаллийлаштириш дастури деб аталади):

Маҳаллийлаштириш дастурининг 2а-иловасига Бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 1-иловага* мувофиқ янги лойиҳаларини киритиш тўғрисидаги;

Маҳаллийлаштириш дастурининг 3а-иловасига Маҳсулотларнинг тайёр турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 2-иловага* мувофиқ янги лойиҳаларини киритиш тўғрисидаги;

Маҳаллийлаштириш дастуридан корхоналарнинг тугатилганлиги, ички бозорда эҳтиёжнинг йўқлиги, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархи ва сифати бўйича рақобатга бардошли эмаслиги сабабли 3-иловага* мувофиқ лойиҳаларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор билан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширувчи корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзлар божхона тўловлари бўйича – ушбу қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, солиқлар бўйича эса – 2009 йил 1 декабрдан бошлаб қўлланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги лойиҳанинг ташаббускорлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда прогноз ҳажмларини бажаришнинг тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 15 декабрь*
*314-сон.*

***1-3-иловалар берилмайди.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 14 НОЯБРДАН 18 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

## I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Фуқароларни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ бўлган ишларга жалб этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 4 октябрдаги 7, 10, 32-сонли қарори.*

***2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2040 (2009 йил 26 ноябрдан кучга киради).***

2. «Ички ишлар идоралари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сонли буйруғи.*

***2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041 (2009 йил 26 ноябрдан кучга киради).***

3. «Мебель ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 62/1-Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2042 (2009 йил 26 ноябрдан кучга киради).***

4. «Деворбоп материаллар, оҳак, гипс ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 9 октябрдаги 62-Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2043 (2009 йил 26 ноябрдан кучга киради).***

5. «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 12 октябрдаги 01/19-18/21-сонли қарори.*

***2009 йил 18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2044 (2009 йил 28 ноябрдан кучга киради).***

6. «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил 20 октябрдаги 90, 98, 2009-30, 2-сонли қарори.*

***2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1192-2 (2009 йил 29 ноябрдан кучга киради).***

7. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги экспертларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 29 сентябрдаги 184-сонли буйруғи.*

***2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2045 (2009 йил 29 ноябрдан кучга киради).***

8. «Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 октябрдаги 63-Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2046 (2009 йил 4 декабрдан кучга киради).***

9. «Иссиқлик изоляция материаллари ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 7 октябрдаги 61-Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2047 (2009 йил 4 декабрдан кучга киради).***

10. «Матбаачилик ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 октябрдаги 64-Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2048 (2009 йил 4 декабрдан кучга киради).***

11. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 16 ноябрдаги 2009-44-сонли буйруғи.*

***2009 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-2 (2009 йил 4 декабрдан кучга киради).***

12. «Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидалари» (ЎзР АҚ-91)га ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 9 ноябрдаги 118-сонли буйруғи.*

***2009 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-1 (2009 йил 4 декабрдан кучга киради).***

13. «Энг қулай режим яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 16 ноябрдаги ЭГ-01/10-7262, 109, 01-02/18-28-сонли қарори.*

***2009 йил 24 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 426-6 (2009 йил 4 декабрдан кучга киради).***

14. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ–4152-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил 24 ноябрдаги 72, 113-сонли қарори.*

***2009 йил 26 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2049 (2009 йил 6 декабрдан кучга киради).***

15. «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви, Адлия вазирлигининг 2009 йил 13 ноябрдаги 107, 2009-34, 29/20, 11-сонли қарори.*

***2009 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 124-3 (2009 йил 10 декабрдан кучга киради).***

16. «Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар харид қилиш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2009 йил 19 ноябрдаги 50, 44 /ҚҚ-сонли қарори.*

***2009 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1943-1 (2009 йил 11 декабрдан кучга киради).***

17. «Ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришларида махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини

тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 23 ноябрдаги 70-Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2051 (2009 йил 12 декабрдан кучга киради).***

18. «Тендер ва танлов савдоларини эълон қилиш ва ўтказишда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига преференциялар берилиши мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 2 ноябрдаги 89, 105, 7-сонли қарори.*

***2009 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2052 (2009 йил 12 декабрдан кучга киради).***

19. «Автомототранспорт воситаларини қайта рўйхатдан ўтказишни (қайд этишни) ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 13 октябрдаги 107-сонли буйруғи.*

***2009 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2050 (2009 йил 10 декабрдан кучга киради).***

20. «2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01-02/12-22, ЭГ-01/10-7233-сонли қарори.*

***2009 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2053 (2009 йил 24 декабрдан кучга киради).***

21. «Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шаклларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 15 декабрдаги 280-мҳ-сонли буйруғи.*

***2009 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2054 (2009 йил 25 декабрдан кучга киради).***

22. «Қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 20 ноябрдаги 2009-45-сонли буйруғи.*

***2009 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1396-2 (2009 йил 25 декабрдан кучга киради).***

23. «2010 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2009 йил 16 ноябрдаги 4-сонли қарори.*

***2009 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2055 (2009 йил 27 декабрдан кучга киради).***

24. «Табиий тошдан буюмлар (плиталар, блоклар) ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 12 ноябрдаги 68-Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2056 (2009 йил 28 декабрдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1995, 2009 йил 18 август).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 26 ноябрдаги 273-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор. *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1880, 2008 йил 13 декабрь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 17 декабрдаги 282-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## III. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛИШИ ЛОЗИМ ЭМАС:

1. «Оддий эфирларни сақлаш ва қўллашда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида аэронавигация хариталарини (чизмаларини) тайёрлаш қоидалари (ЎзР ФААХТҚ-173)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

3. «Технологик қувурўтказгичларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

4. «Кўмир шахталарида аэрогаз назорати тизими бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

***Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.***

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

# БИЗ САҚЛАЙДИГАН СИРЛАР

> **Ахборотга эга бўлиш дунёни эгаллаш демакдир.**
> **Уинстон Черчилль.**



***Дастлабки тергов, суд ишини юритиш, суғурта, журналистика, нотариал, врачлик, адвокатлик, аудиторлик, алоқа боғлаш, фарзандликка олиш, овоз бериш сирлари ва сирларнинг бошқа жуда кўп турлари қонун билан қўриқланади. Бизнесда тижорат ва хизмат сирлари энг кўп қизиқиш уйғотади. Ушбу мақолада айни шулар ҳақида сўз боради.***

## ТИЖОРАТ СИРИ

Қонунчилигимизда тижорат сири таърифи келтирилмаган. Нималар бундай сир ҳисобланишини ҳар бир корхонада раҳбарият ҳал қилади. Фуқаролик кодексининг 98-моддасида айтилишича, фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот **учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган** ҳолларда ҳимоя этади. Бундан муайян ахборотни тижорат сирига киритиш имконини берадиган мажбурий аломатларни ажратиш мумкин. У:

учинчи шахсларга номаълум бўлиши;

тижорат қимматига эга бўлиши (яъни унинг эгасига мавжуд ёки эҳтимол бўлган ҳолатларда даромадларни кўпайтириш ёки ўзини оқламайдиган харажатларга йўл қўймаслик, бозордаги ўз мавқеини сақлаш ва бошқа тижорат фойдасини олиш имконини берадиган);

қонун йўли билан ҳимоя қилинган;

ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган бўлиши, яъни ахборот эгасининг ўзи унинг махфийлигини сақлаш ҳуқуқий режимини таъминлаши;

сир эгаси уни сақлашга доир чоралар кўриши керак.

Тижорат сирини сақлашни таъминлаш учун ташкилотда аввало унинг маълумотлари таркибий қисмлари доирасини белгилаб олиш керак, уларни ташкилот учун қимматлилиги, ошкор қилиш билан унга етказилиши мумкин бўлган зарарнинг туси ва миқдорига боғлиқ ҳолда муҳимлиги бўйича тақсимлаш маъқулдир. Улар локал ҳужжатда, масалан, раҳбар тасдиқлайдиган Корхонанинг тижорат сирини ташкил этадиган маълумотлар рўйхатида акс эттирилади. Заруратга қараб у қайта кўрилиши, ўзгартирилиши ва тўлдирилиши керак. Рўйхатни ишлаб чиқаётганда қонун ҳужжатларида тижорат сирини ташкил этиши мумкин бўлмаган маълумотлар белгиланганлигини ҳисобга олиш зарур. Уларга қуйидагилар киради:

таъсис ҳужжатлари (юридик шахсни ташкил этиш тўғрисида қарор ёки муассислар шартномаси) ва устав;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар (рўйхатга олиш ва рухсат бериш гувоҳномалари, лицензиялар, патентлар);

молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботнинг белгиланган шакллари бўйича маълумотлар ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги ва тўланганлигини текшириш учун зарур бошқа маълумотлар;

тўловга қобиллик тўғрисида ҳужжатлар;



ишловчилар сони, таркиби, уларнинг иш ҳақи ва меҳнат қилиш шартлари, шунингдек бўш иш жойлари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлангани тўғрисида ҳужжатлар;

атроф муҳитни ифлослантириш, монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш, хавфсиз меҳнат қилиш шарт-шароитларига риоя этмаганлик, аҳолининг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулотларни реализация қилиш, шунингдек қонунчиликни бошқа бузишлар ҳамда бунда етказилган зарар миқдорлари тўғрисида маълумотлар;

хўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларда иштирок этиши тўғрисида маълумотлар;

корхона мол-мулкининг миқдорлари ва унинг пул маблағлари тўғрисида;

бошқа ташкилотларнинг даромадли активларига (қимматли қоғозларига), фоизли облигациялари ва заёмларига, қўшма корхоналарнинг устав фондларига маблағлар қўйилиши тўғрисида;

корхонанинг қонун ҳужжатларидан ва у тузган шартномалардан келиб чиқадиган кредит, савдо ва бошқа мажбуриятлари тўғрисида;

муайян ҳолларда – юридик шахслар ҳамда айрим фуқаролар билан тузган шартномалар тўғрисида маълумотлар.

Ушбу маълумотлар назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этадиган органларнинг, шунингдек қонунга мувофиқ бунга ҳуқуқи бўлган бошқа юридик шахсларнинг қонуний талабига кўра тақдим этилиши керак.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асосларсиз олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик оқибатида бу ахборотнинг қонуний эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт *(2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» 69-II-сон Қонун 37-моддасининг тўртинчи қисми, бундан кейин – Қонун). Ошкор этилмаган ахборотни (тижорат сирини)* ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмиятчиликни бажаришдан (уни давлат рўйхатидан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади *(Қонун 37-моддасининг иккинчи қисми)*. Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни мустақил равишда ва қонуний тарзда олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланганлик учун унинг олдида жавоб бермайди *(Қонун 37-моддасининг бешинчи қисми)*.

## ТИЖОРАТ СИРИ ВА ...

Тижорат сиридан баҳраманд бўлишнинг учта қонуний усули мавжуд: ўз ходимларининг – меҳнат шартномалари асосида, контрагентларнинг – фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг – уларнинг асосланган сўровлари бўйича.

## ... ХОДИМЛАР

Махфийликни сақлаш бизнес учун ғоятда долзарб бўлган жойда тижорат сири сақланишини таъминлашга эътибор билан муносабатда бўлиш лозим. Тижорат сирини ташкил қиладиган ахборотдан баҳраманд бўладиган шахслар ва (ёки) у тақдим этилган ёхуд берилган шахсларни танлаш ҳамда улар ҳисобга олинишини ташкил этиш лозим. Шунингдек ҳисоблаш техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернетдаги иш жойларидан ва электрон почтадан фойдаланганда махфий сақланадиган маълумотларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш тартибини белгилаш ҳамда унга риоя этиш устидан назоратни ташкил этиш даркор. Уларни сақлаш режими корхонанинг локал ҳужжати, масалан, раҳбарнинг буйруғи билан тасдиқланган Тижорат сири тўғрисида низом билан белгиланади. Бундай маълумотлардан баҳраманд бўладиган ҳар бир ходим тижорат сирини сақлаш қоидалари билан таништирилиши ва уларни ошкор этмаслик тўғрисида ёзма мажбуриятни имзолаши керак.

Меҳнат кодексида ходимнинг тижорат сирини ошкор этганлик учун тўлиқ моддий жавобгарлиги назарда тутилган *(МК 202-моддаси биринчи қисмининг 6-банди)*. Бироқ уни ошкор этганлиги учун ходимни ишдан бўшатиб бўлмайди, бунда содир этилганлиги учун иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш кўринишида маъмурий жазони қўллашга ҳақли бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларга киритилган ҳоллар мустасно *(МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди)*[1]. Иш берувчи ходим ошкор этган маълумотлар ҳақиқатан ҳам тижорат сирига киришини, улар унга ўз меҳнат вазифаларини бажариши боис маълум бўлганлиги ва ходим ўз зиммасига уларни ошкор этмаслик мажбуриятини олганлигини исботлаши шарт.

Тижорат сирини ошкор қилиш муносабати билан меҳнат шартномаси фақат тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар мансаб вазифасига асосан ишониб топширилган ходим билан ва фақатгина ушбу маълумотларнинг ошкор бўлишида айнан шу ходимнинг ҳақиқатда айбдорлигини тасдиқловчи ишонарли далиллар мавжуд бўлса, бекор этилиши мумкин[2].

## ... УЧИНЧИ ШАХСЛАР (КОНТРАГЕНТЛАР)

Тадбиркорлик муносабатлари тарафлардан бирининг тижорат сирига таалluқли бўлган ҳоллар кўп учрайди. Шу сабабли шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш жараёнида тарафларга маълум бўлиши мумкин бўлган айни қандай маълумотлар тижорат сирига киритилишини шартномаларда батафсил баён этиш ва уни ошкор этмаслик тўғрисида шартларни киритиш лозим. Фуқаролик кодекси 985-моддасининг биринчи қисмига кўра ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин. Бундан ташқари, айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка ҳам тортиш мумкин. Чунончи, тижорат сирини ошкор этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг 0,5 дан 2 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади *(Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-моддаси)*.

## ... ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ

Тижорат сири муносабати билан давлат органлари билан ихтилофлар асосан икки сабабга кўра вужудга келади: ахборот беришдан бош тортиш ва ундан ноқонуний фойдаланиш. Шу боис қандай маълумотларни талаб қилиб олиш қонунийлигини, қандайларини талаб қилиш ноқонунийлигини, шунингдек қандай ахборот кейинчалик учинчи шахсларга берилиши, қандайлари ошкор этилмай қолиши мумкинлигини билиш лозим. Чунончи, Солиқ кодексининг 76-моддасига мувофиқ солиқ органлари солиқ сирига риоя этишлари лозим. Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчи тўғрисида олинган ҳар қандай маълумот солиқ сирини ташкил этади, қуйидаги маълумотлар бундан мустасно:

1) солиқ тўловчининг ўзи ошкор этган ёки унинг ёзма розилиги билан ошкор этилган маълумотлар;

2) солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар;

3) юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) тўғрисидаги маълумотлар;

4) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ва бу қонунбузарлик учун қўлланилган жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;

5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг солиқ ёки тегишли бошқа органларига тақдим этиладиган маълумотлар (ушбу органларга тақдим этилган маълумотларга доир қисми).

Солиқ сирини ошкор этишга, хусусан, солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига, жалб этилган экспертга ёки таржимонга улар ўз вазифаларини бажараётганда маълум бўлиб қолган ишлаб чиқариш ёки тижорат сиридан фойдаланиш ёхуд уни бошқа шахсга бериш киради. Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган, солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар сақлаш ва фойдаланишнинг махсус режимига эга бўлади. Солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлари бўлган ҳужжатларнинг йўқотилганлиги ёки бундай маълумотларнинг ошкор этилганлиги қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг *(2000 йил 28 апрелдаги 2/84-сон)* 6-бандига биноан назорат қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари, аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари) тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш муносабати билан ўзларига маълум бўлган, тижорат сири ҳисобланувчи маълумотларни унинг эгасига рухсатсиз ошкор этганликлари туфайли етказилган зарар учун Фуқаролик кодексига мувофиқ жавобгар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 191-моддаси бўйича ҳам жавобгарликка тортиладилар. Чунончи, сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Уни қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш хўжалик юритувчи субъектга кўп миқдорда зарар етказган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

## ХИЗМАТ СИРИ

Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан хизмат сирини ташкил этадиган ахборот ҳам ҳимоя қилинади *(ФКнинг 98-моддаси)*. Уни ошкор этилиши хўжалик юритувчи субъектнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқариш соҳасидаги маълумотлар ташкил этади. Қуйидагилар ана шундай маълумотлар бўлиши мумкин:

ташкилот раҳбари, бошқа ходимлар тўғрисида (судланганлик, иш тажрибаси, профессионал билимлар, кўникмалар ва маҳорат, ишбилармонлик алоқалари);

ишлаб чиқаришни бошқариш тузилмаси тўғрисида, ходимларни ўқитиш услубияти;

бошқа ташкилотларнинг капиталларида иштирок этиш тўғрисида, қимматли қоғозларга маблағлар қўйиш ҳақида;

молиялаш манбалари тўғрисида;

тузилган битимлар тўғрисида ва ҳоказо.

Хизматга оид ахборотга тааллуқли маълумотлар одатда мустақил битимлар предмети ҳисобланмайди, бироқ уларни ошкор этиш ташкилотга мулкий зарар ва унинг амалий обрў-эътиборига зиён етказиши мумкин. Уларни сақлаш режими тижорат сирини сақлаш режимига ўхшашдир.

## СИРЛАРИНГИЗ ЎЗГАЛАРГА МАЪЛУМ БЎЛГАНДА

Қонун ҳужжатлари учинчи шахсларга маълум бўлган маълумотларни ҳам муҳофаза қилади[3]. Масалан, почта хизматлари ёзишмаларнинг, почта ва курьерлик жўнатмаларининг сирини сақлашлари шарт *(2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-211-сон Қонун таҳриридаги «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси)*. Адвокатлар ва нотариуслар тегишли равишда адвокатлик ва нотариал сирни сақлашлари шарт[4]. Банклар банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди *(ФКнинг 786-моддаси, 2003 йил 30 августдаги «Банк сири тўғрисида»ги 530-II-сон Қонун)*. Суғурталовчилар томонидан ўз профессионал фаолиятлари натижасида олинган, суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, уларнинг соғлиғи, шунингдек ушбу шахслар мулкий аҳволи ҳақидаги маълумотлар ошкор қилиниши мумкин эмас[5].

*Мария ТУХТАРОВА,*
*«Norma» МЧЖ юристи.*

---

*[1]Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати:*

*ички меҳнат тартиби қоидалари;*

*корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;*

*айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.*

*[2] Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарори 35-бандининг иккинчи хатбошиси.*

*[3]Улар сирасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тегишли ахборот тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли бўлган давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари кирмайди.*

*[4]1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»ги 349-I-сон Қонуннинг 9-моддаси ва 1996 йил 26 декабрдаги «Нотариат тўғрисида»ги 343-I-сон Қонуннинг 6-моддаси.*

*[5]2002 йил 5 апрелдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358-II-сон Қонуннинг 26-моддаси.*

